



## БИР НЕЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ

**Бахронов Журабек Абдураззокович**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби тингловчиси

jurabekbaxronov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6327261>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-Fevral 2022

Ma'qullandi: 20 - Fevral 2022

Chop etildi: 25 - Fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

*Бир неча, жиноят, содир этиш, жазо, қонунчилик, ҳуқуқий, жиноятлар жами, мажмуи, суд, такороан.*

Бизга маълумки, суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш жиноят-ҳуқуқий сиёсатда муҳим вазифа саналади.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш белгиланган бўлиб, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг ривожланишини ҳолати, замонавий

### ANNOTATSIYA

*Мазкур мақолада бир неча жиноят содир этиш тушунчаси ва унинг ўзига хос белгиларига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мазкур мақолада бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашнинг асоси ҳамда унда икки ва ундан ортиқ жиноятларнинг бир шахс томонидан содир этилишига доир олимларнинг қарашлари таҳлил этилган. Унда шулардан келиб чиққан ҳолда, аввало, тадқиқот доирасида бир неча жиноятлар тушунчаси, унинг турлари, хусусиятларини кўриб чиқилган.*

талаблардан, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишни назарда тутган ҳолда “2018 – 2021 йилларга мўлжалланган Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш Концепция”сини ишлаб чиқиш белгиланган.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилган. Хусусан, иккинчи устувор йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган. Ушбу йўналиш суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва



хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масалаларига бағишланган[1]. Маълумки, бир шахс томонидан бир неча жиноятлар содир этилиши инсоният тарихининг ҳар қандай даврида мавжуд бўлган ва у ўзининг ижтимоий хавфи юқорилиги билан ажралиб туради. Бир неча жиноятлар учун учун жазо тайинлашнинг асоси бўлиб икки ва ундан ортиқ жиноятларнинг бир шахс томонидан содир этилиши ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, аввало, тадқиқот доирасида бир неча жиноятлар тушунчаси, унинг турлари, хусусиятларини кўриб чиқишимиз зарур. Бу эса, мамлакатимиз Жиноят кодексининг бир қанча жиноятлар содир этиш тўғрисидаги VIII бобини атрофлича таҳлил қилишни тақозо этади. Шу ўринда айтиш керакки, бир неча жиноятлар содир этиш ҳолатлари бир қатор мамлакатимиз ва хориж олимлари томонидан тадқиқ қилиниб, ўзига хос қарашлар ва фикрлар илгари сурилган. Жумладан, Қ.Розимова жиноятлар мажмуи тушунчасига оид олимларнинг фикрлари қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда дифференциация қилиб: биринчи гуруҳ олимлари жиноят қонунчилигидаги жиноятлар жами билан жиноятлар мажмуи тушунчаларини синоним тушунчалар сифатида қарайдилар; иккинчи гуруҳ олимлари ҳукм чиққунга қадар содир этилган жиноятларни

жиноятлар мажмуи сифатида таъкидлайдилар; учинчи гуруҳ олимлари Ўз.Р. ЖКнинг 33-моддаси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда шахснинг судланмаганлигини жиноятлар мажмуи учун асос сифатида кўрадилар; тўртинчи гуруҳдагилар эса илгари содир этган жиноятлари учун тайинланган жазони тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир қилинишига жиноятлар мажмуи сифатида таъриф беришини келтиради[2, б.13]. Жиноят ҳуқуқида “бир қанча жиноятлар” ва “бир неча жиноятлар” тушунчалари мавжуд бўлиб, улар ҳақида тўхталсак. Чунки, диссертация тадқиқотининг ўрганиш объекти бевосита бу тушунчалар билан боғлиқ. Амалдаги Жиноят кодексига ушбу тушунчаларнинг аниқ бевосита таърифлари келтирилмаган ва ушбу тушунчалар бир-бири билан бир маънолидек, кўринса-да, улар мустақил тушунчалардир. Чунки “бир неча жиноят” тушунчасининг ҳуқуқий маъносига тўхталсак, у “бир қанча” жиноят тушунчасига нисбатан тор маънодаги тушунча бўлиб, агар бир қанча жиноят содир этиш такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятларни қамраб олса, Жиноят кодекси 59-моддасининг мазмунига кўра, “Шахс томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиб, уларнинг бирортаси учун шахс судланган бўлмаса” бир неча жиноят содир этиш деб топилади. Чунки, такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи турли моддаларда



назарда тутилган жиноятларни қамраб олгани ҳолда, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинланади.

“Бир қанча жиноятлар” атамаси хусусида ҳам кўплаб олимлар томонидан ҳар хил фикрлар билдирилган бўлиб, жумладан А.М.Яковлевнинг фикрига кўра, бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси такроран жиноят содир этиш, рецидив жиноятлар ва жиноятлар мажмуида намоён бўлади.

П.С. Дагел эса, бир қанча жиноят содир этиш деганда, “икки ёки ундан ортиқ жиноятларни” ёки “бир неча жиноятларни содир этиш”ни назарда тутди.

Н.А Бекбергенов томонидан эса, бир қанча жиноят содир этишда унинг миқдор кўрсаткичлари эмас, балки ҳар бир қилмишнинг мустақил ҳуқуқий аҳамиятга эга эканлиги, унинг асосий ва зарурий белгиси сифатида таъкидланади [3, с.7].

Бу борада юридик фанлар доктори М.Ҳ.Жияновнинг таърифи алоҳида эътиборга лойиқ ва у ушбу таърифни Жиноят кодексида мустаҳкамлашни таклиф қилади: “Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида ёки турли қисмида ёхуд турли моддаларида назарда тутилган, жинойий ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг бир вақтда ёки турли вақтларда бир шахс томонидан содир этилиши бир қанча жиноят содир этиш деб топилади” [4, б.73].

Юқоридаги фикрлардан кўришимиз мумкинки, ушбу муаммони тадқиқ қилган олимларнинг барчаси бир қанча жиноятлар камида иккита жиноятдан иборат бўлишини ва бу жиноятлар ягона

субъект томонидан содир этилишини таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормалари ҳам А.М.Яковлевнинг фикрига монанд бўлиб, бир қанча жиноятлар содир этиш деб номланадиган VIII боби такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятни ўз ичига олади.

М.Усмоналиев фикрича, бир қанча жиноят содир этилган деб топиш учун қилмишларда қуйидаги шартлар бўлиши керак:

шахс томонидан ҳар бири мустақил жиноят таркибини ташкил қилувчи икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилган бўлиши керак;

бунда жиноятларнинг бир вақтда (жиноятларнинг идеал жами) ёки ҳар хил вақт (реал жами)да содир этилганлигининг аҳамияти йўқ;

дастлабки содир этилган жиноят билан кейинги содир этилган жиноят ўртасида ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлиши керак; шахс ушбу жиноятларда бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида қатнашганлиги, жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш босқичида тўхатилганлиги ёки охирига этказилганлигининг аҳамияти йўқ;

агарда шахс Жиноят кодексининг 64-68-моддалари асосида жавобгарликдан, 69-моддаси асосида жазодан озод қилинган бўлса

(150-156-моддалар бундан мустасно), жиноят ҳуқуқида назарда тутилган бир қанча жиноятларни ташкил қилмайди; олдинги жиноят учун судланганлик муддати ўтмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этиш



хам бир қанча жиноят содир этиш ҳисобланади[5, б. 231].

М.Ҳ.Рустамбоев ҳам юқоридагига ўхшаш тарзда фикр билдириб, бир қанча жиноятлар тушунчасининг қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтган:

1) шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ мустақил жиноятларнинг содир этилган бўлиши лозим;

2) ҳар бир жиноят суд ҳукмида кўрсатилган бўлиши лозим. Агар шахс жиноят содир этган бўлса, лекин жиноий иш дастлабки тергов ва суд томонидан қонунда кўрсатилган асосларга кўра тугатилган бўлса (ЖПК 83, 84-моддалари), бу шахс илгари жиноят содир этган ҳисобланмайди;

3) жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинмаган бўлиши (64-модда), илгари чиқарилган ҳукмнинг ижро этиш муддати ўтиб кетмаган бўлиши (69-модда), судланганлик муддатининг ўтиб кетмаганлиги ёки амнистия акти ёхуд афв этиш орқали жазодан озод қилинмаган бўлиши керак;

4) ҳар бир жиноят тугалланган ёки тугалланмаган бўлиши лозим.

М.М.Қодиров ва М.М.Қаландаровлар фикрича, бир қанча жиноятларнинг қуйидаги асосий белгилари мавжуд:

шахс томонидан жиноят қонунининг бир ёки бир неча моддалари (ёки моддаларининг қисмлари)да назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг содир этилиши;

содир этилган ҳар бир қилмишнинг мустақил жиноят ҳисобланиши ва алоҳида модда (ёки модданинг қисми) бўйича квалификация қилиниши;

бир қанча жиноятларни вужудга келтирувчи жиноятларнинг ҳар қайсиси

унинг содир этилганлиги фактидан келиб чиққан жиноий-ҳуқуқий оқибатнинг сақланиб қолиши[6, б. 184].

Юқоридагилардан келиб чиқиб умумлаштирган ҳолда, бир қанча жиноят содир этишнинг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини кўрсатишимиз мумкин:

бир қанча жиноятлар миқдор кўрсаткичларига эга, яъни шахс (ёки шахслар) томонидан иккитадан кам бўлмаган (ундан ҳам кўп бўлиши мумкин) жиноят содир этилган бўлиши зарур. Бу, бир томондан, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи ҳар бир жиноий қилмиш Жиноят кодексининг 14-моддаси талабларига мувофиқ ягона жиноят деб тан олиниши зарурлигини билдирса ва ягона жиноятларни бир қанча жиноятлардан фарқлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик мақомига эга бўлган қилмишлар бир қанча жиноят содир этиш каби баҳоланмаслигини билдиради;

бир қанча жиноятлар сифат кўрсаткичларига эга, яъни бир қанча жиноятлар таркибига кирувчи ҳар бир жиноят ўзининг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган бўлиши ва жиноий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиришга қодир бўлиши зарур. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят қуйидаги ҳолларда ўзининг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотиши мумкин:

а) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши муносабати билан;

б) шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинганда;

в) судланганлик ҳолатининг тугалланиши муносабати билан;



г) судланганлик ҳолатининг олиб ташланиши муносабати билан;

д) жиноят ишини қўзғатишга тўсқинлик қилувчи процессуал ҳолатларнинг мавжудлиги туфайли (масалан, жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган жиноий ишлар бўйича шундай шикоятнинг мавжуд бўлмаслиги, муайян жиноят ишини тўхтатиш бўйича чиқарилган қарор ёки ажримнинг бекор қилинмаганлиги кабилар);

е) 66<sup>1</sup>-модда – ярашганлик натижасида (айбдорнинг жабрланувчи билан ярашиши).

бир қанча жиноят содир этишнинг асосий ҳуқуқий белгиларидан яна бири шундан иборатки, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг ҳар бири айнан бир шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этилади. Бошқача қилиб айтганда, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи жиноий қилмишларни бир-бирига боғлаб турувчи умумий элемент сифатида, жиноят субъекти тан олинади;

бир қанча жиноятларнинг айрим турларини бир-биридан фарқлашга ёрдам берувчи белгилардан яна бири вақт ҳамдир. Амалдаги жиноят қонуни мазмунига кўра бир қанча жиноятлар турли даврларда ёки бир вақтда ҳам содир этилиши мумкин. Такрорий жиноятлар, рецидив жиноятлар ва жиноятларнинг реал жами бўйича жиноятларнинг турли даврларда содир этилиши талаб қилинса, жиноятларнинг идеал жамини бир вақтда бир қилмиш билан содир қилинган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар ташкил қилади;

– қонун чиқарувчи бир қанча жиноят содир қилганлик учун жавобгарлик

асосларини белгилар экан, жиноят тушунчасини кенг талқин қилади ва жиноят деганда нафақат тамом бўлган жиноятларни, балки жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш (25-модда) ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноят (27-модда)ларни ҳам назарда тутди;

бир қанча жиноят содир этиш ижтимоий ҳодиса сифатида турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Давлатимизнинг амалдаги жиноят қонунда бир қанча жиноят содир этишнинг учта шакли назарда тутилган. Булар такроран жиноят содир этиш (32-модда), жиноятлар мажмуи (33-модда) ва рецидив жиноят (34-модда)лардир. Бир қанча жиноят содир этишнинг юқорида санаб ўтилган шакллари жиноят қонуни Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг турли мезонлар асосида бирикувидан ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, такроран содир этилган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир қанча жиноятларнинг бирикувидан ҳосил бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 32-моддасида такроран жиноят содир этиш тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир қанча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади.



Ушбу нормадан келиб чиққан ҳолда М.Х. Рустамбоев такроран жиноят содир қилишнинг қуйидаги белгиларини келтириб ўтган:

1) такроран жиноят содир этиш бир неча жиноят содир этишнинг шакли бўлиб, унга кўра шахс жавобгарликка тортиладиган айнан бир-бирига ўхшаш бўлган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир қилади;

2) содир этилган қилмишлар жиноят қонуни махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган қилмишларни ҳам қамраб олади;

3) содир этилган жиноий қилмишларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаслиги;

4) жиноят такроран содир этилган деб ҳисобаниши учун улар турли вақтларда содир қилинган ва мустақил жиноят таркибини ташкил қилиши[7, б. 241].

М. Усмоналиев такроран жиноят содир қилишнинг ҳар учта тури учун умумий белгилар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб, улардан бирортасининг этишмаслиги қилмишни такроран деб баҳоламасликка олиб келишини қайд қилган:

а) турли вақтларда Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноят содир этилганлиги;

б) жиноятларнинг, албатта, турли вақтларда содир этилганлиги;

в) жавобгарликка тортиладиган биринчи жиноят билан кейинги содир қилинган жиноят ўртасида ЖК 64-моддасида назарда тутилган (жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари) ўтиб кетмаган бўлиши;

г) шахс содир этилган жиноятларнинг бирортаси учун ҳам ҳали судланмаган бўлиши керак[8, б.324].

Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг бир қанча моддалари фақат битта қисмдан иборат бўлиб, шахс ана шундай жиноятларни ҳар хил вақтда содир этиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, фақат кейинги содир қилган жинояти учун такроран содир қилган деб жавобгар қилинади.

Хулоса қилиб бир қанча жиноятларга муаллифлик таърифи берадиган бўлсак, *бир неча жиноятлар – Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида ёки турли қисмида ёхуд турли моддаларида назарда тутилган, жиноий ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг бир вақтда ёки турли вақтларда бир шахс томонидан содир этилишидир.*

## Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сонида эълон қилинган.
2. Розимова Қ.Ю. Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш: 12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология.



- Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати/ Илмий маслаҳатчи: Қ.Р.Абдурасулова. – Т., 2020. Б.13.
3. Бекбергенов Н.А. Назначение наказания по совокупности преступлений и приговоров.: Автореф. дисс. ... канд. юрид наук.-Казахстан: Алма-Ата, 2002.- с. 7.
  4. Jiyanov M.H. Bir qancha jinoyat sodir etganlik uchun javobgarlik. Farg'ona 2002. 73-bet.
  5. M.Usmonaliyev. Jinoyat huquqi (Umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: “Yangi asr avlodi”, 2005. – 231-b.
  6. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R. Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IVV Akademiyasi, 2012. – 184-b.
  7. Rustamboyev M.H. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Umumiy qism. I tom. Jinoyat to'g'risida ta'limot // OTM uchun darslik. – Т.: “ILM ZIYO”, 2010. – 241-b.
  8. M.Usmonaliyev. Jinoyat huquqi (Umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: “Yangi asr avlodi”, 2005. – 324-b.